



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

**IQTIDORLI TALABALAR, MAGISTRANTLAR, TAYANCH  
DOKTORANTLAR VA DOKTORANTLARNING**

# **TAFAKKUR VA TALQIN**

**MAVZUSIDARESPUBLIKA  
MIQYOSIDAGI ILMIIY-AMALIIY  
ANJUMAN TO'PLAMI**



**Бухоро-2021**

<i>X.Ж.Қосимова</i>	<i>чиқаришни кооперациявий ҳамкорлик муносабатлари асосида ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми.....</i> 928
<b>5A112001- Жисмоний маданият ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси</b>	
<i>N.R. Sabirova</i>	<i>Sport mashg'ulotlari jarayonini optimallashtirishda modellashtirishning bosqichlari hamda yosh ko'rsatkichlari xususida.....</i> 933
<i>F.M. Салимов, А.Б. Фозилов</i>	<i>Бошланғич мактаб ўқувчиларининг анатомик-физиологик хусусиятлари.....</i> 939
<i>F.M. Салимов, Ж.Ю. Жамолов</i>	<i>Умумтаълим мактабларида спорт тўғарақларини ташкиллаштириш. ....</i> 944
<i>А.Ш. Иноятов, Н.Н. Хусенов, Ш.Н. Намозов</i>	<i>Кекса ёшдаги кишилар организмнинг функционал ўзгариш хусусиятлари.....</i> 949
<i>Х.Э.Рамазонова</i>	<i>Талаба – қизларда соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....</i> 955
<i>P.И.Ходжаев, К.К. Курбанов</i>	<i>Исследование динамики показателей физической подготовленности юных боксеров.....</i> 961
<i>Tursunov Oqil Amrulloevich</i>	<i>Umumiy o'rta ta'lim maktab o'quvchilarining jismoniy bilim darajalarini nazorat qilish nazariyasi va amaliyoti.....</i> 968
<b>5A111101 – Муסיқа таълими ва санъат</b>	
<i>B.X.Madrimov, M.Sh. Ahmadova</i>	<i>Musiqqa ta'limi yo`nalishi talabalariga pedagogik texnologiyalarni o`rgatish usullari.....</i> 974
<i>M. Samiyeva</i>	<i>Musiqqa madaniyati darslarida o'quvchilarni o'zbek mumtoz musiqasiga qiziqishini shakllantirishda o'qituvchi mahorati.....</i> 980
<i>O'. Avliyoqulov</i>	<i>O'quvchilar musiqiy savodxonligini rivojlantirishda bolalar folklor qo'shiqlarining o'rni.....</i> 985
<i>G.O. Rahmatulloyeva</i>	<i>Musiqiy ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari ...</i> 989
<i>M. Jo'rayeva</i>	<i>Bolalar musiqqa va san'at maktabi fortepiano sinfi o'quvchilarining ijro mahoratini o'stirish texnologiyalari.....</i> 999
<b>5A110801 – Тасвирий саъат ва амалий безак саъати</b>	
<i>M.F. Olimova</i>	<i>Amaliy san'atda qo'llaniladigan naqsh turlari va ularning geometrik tahlili.....</i> 1009
<i>M.A. Halimova</i>	<i>Buxoro kashtachilik san'atining rivoji.....</i> 1012
<i>J.B. Hamroyev</i>	<i>Yangi O'zbekistonnig ravnaqi yuqori malakali kadrlar qo'lida .....1017</i>
<i>M.I. Jalolova</i>	<i>Buxoroning zamonaviy amaliy-bezak san`ati. ....</i> 1022

<b>5A112101 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технологик таълим)</b>	
<i>Sh.H. Quliyeva, R.H. Mamatova</i>	<i>Mutaxassislik fanlarini o'qitishda media vositalaridan foydalanishning ijobiy tomonlari.....1027</i>
<i>Sh.H. Quliyeva, D.P. Nazarova</i>	<i>texnologiya ta'limida master – klass darslarini tashkil etish.....1030</i>
<i>D.A. Sayfullayeva, D.D. Rayimova</i>	<i>Kiyimlarni konstruksiyalash va modellashtirishda kompyuter texnologiyalardan foydalanish. ....1033</i>
<i>Sh.H. Quliyeva, K.T. Xolmatova</i>	<i>O'quv jarayonida talabalarda kreativ qobiliyatni shakllantirish.....1037</i>
<b>5A120302 – Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича)</b>	
<i>Д.С. Ҳамроев</i>	<i>1996-2000 йилларда ўзбекистонда аграр ва бозор сиёсати масалаларининг назарий методологик асослари. ....1042</i>
<i>К.Ш. Hasanov</i>	<i>O'zbekiston va turkiya aloqalari tarixiga bir nazar.....1047</i>
<i>R.R. Raxmatov</i>	<i>Sibir xonligining tashkil topish jarayonida markaziy osiyodagi siyosiy munosabatlar.....1052</i>
<i>N.N. Sodiqova</i>	<i>Milliy madaniy markazlar – “wiedergeburt” misolida.....1057</i>
<i>Н.З. Ражабова</i>	<i>Туркияда амир темур тарихининг ўрганилиши.....1061</i>
<i>С.Ю. Каримов</i>	<i>Основные аспекты взаимоотношений бухарского эмирата и афганистана с конца 18 до начала 20 века.....1067</i>
<i>U. Jahonova</i>	<i>Abdurauf fitrat qarashlarida oila ma'naviy muhitini shakllantirish masalalari.....1071</i>
<i>М.М. Hamroyev, Z.Sh. Ahmadova</i>	<i>Ma'kon va zamon yoxud prezident g'oyalariining ijtimoiy ta'limdagi ahamiyati.....1076</i>
<i>F.U. Temirov, D.U. Islomov</i>	<i>Abdurauf Fitratning ma'rifatparvarlik g'oyalari va matbuotdagi xizmati.....1080</i>
<i>A.R. Saidov</i>	<i>Markaziy osiyo mamlakatlarida migratsion jarayonlarning muommo va yechimlari. ....1086</i>
<i>Sh.M. Nurullayev</i>	<i>Suvaysh kanali qurilishi va uning xalqaro munosabatlarda tutgan o'rni.....1092</i>
<i>F.G'. Ochilov</i>	<i>Hozirgi zamon antikshunosligining yutuq va muammolari... 1095</i>
<i>Y.R. Vohidova</i>	<i>"Jahon dengiz savdosida buxoroliklar ishtiroki"(o'rta asrlar).....1099</i>
<i>С.Ю. Каримов</i>	<i>Основные аспекты взаимоотношений бухарского эмирата и афганистана с конца 18 до начала 20 века.....1103</i>
<i>O.S. Alimov</i>	<i>2- jahon urushida turkistonliklarning asir tushishi va ularning ahvoli.....1108</i>
<i>Г.А. Ҳақимова</i>	<i>Бухоро амирлигининг жанубий туркистон ҳудудидаги ўзбек бекликлари сиёсий тарихи.....1113</i>
<b>5A120304 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқод</b>	



**5A230102 - Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КООПЕРАЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК  
МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**А.Ж.Абдуллоев<sup>1</sup>, Х.Ж.Қосимова<sup>2</sup>**

*БухДУ “Иқтисодиёт” кафедраси мудури, и.ф.ф.д., доцент<sup>1</sup>*

*1 курс магистранти<sup>2</sup>*

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари устувор йўналиш сифатида, деҳқон хўжаликларини эса асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари сифатида ривожлантирилмоқда. Чунки улар томонидан «мамлакатимизда йилига 20 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади»<sup>109</sup>. Аммо, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини «саноат усулида қайта ишлаш даражаси атиги 15 фоиз бўлиб, шундан 7-8 фоизи экспорт қилинмоқда. Маълумки, мева-сабзавот маҳсулотларининг 65 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 93-95 фоизи деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда. Инфратузилма субъектлари етарли эмаслиги натижасида етиштирилган маҳсулотларни йиғиштириш ва сақлаш жараёнида 30 фоиз маҳсулотлар йўқотилса, аксинча, ушбу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар 50-60 фоиз қувватда фаолият юритмоқда. 2017 йилда мева-сабзавотнинг 19 фоизи, гўшт ва сут маҳсулотларининг 16 фоизигина саноат даражасида қайта ишланган, холос»<sup>110</sup>.

---

<sup>109</sup> Ўзбекистонда агрологистика марказлари сони 140 тага етказилади. ҳозирда уларнинг сони 31 та.

<https://kun.uz/news/2019/07/04/ozbekistonda-agrologistika-markazlari-soni-140taga-yetkaziladi-hozirda-ularning-soni-31ta>.

<sup>110</sup> Ўша жойда. <https://kun.uz/news/2019/07/04/ozbekistonda-agrologistika-markazlari-soni-140taga-yetkaziladi-hozirda-ularning-soni-31ta>.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши пировард натижада қишлоқ хўжалиги, сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш корхоналари, шунингдек инфратузилма субъектлари ўртасида кооперация муносабатларига асосланган иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция муносабатларини шакллантиришга объектив шарт-шароит яратади, яъни «кооперация аҳоли етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатга жалб қилишнинг энг самарали йўли. Бу орқали, биринчидан, аҳоли даромадли бўлади, иккинчидан, саноат узлуксиз хомашё билан таъминланади»<sup>111</sup>. Бу ҳолат агросаноат мажмуаси корхоналари учун, айниқса маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимидаги корхоналар ўртасида юзага келадиган иқтисодий алоқаларни мустахкамланишига, ички ва ташқи бозордаги истеъмолчиларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш тизимини мустахкамлайди.

Агросаноат мажмуаси соҳаларидаги корхона ва ташкилотлар ўртасида жисмоний ёки юридик шахсларнинг бирлашиб, кооперацияга асосланган кооператив корхоналарни фаолият кўрсатиши мавжуд умумманфаатлар, муаммолар, мақсадлар ва вазифаларни ҳамкорликда ижобий ҳал қилинишини таъминлайди.

Мазкур ижобий натижаларга эришиш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарлигида, унинг ҳудудлардаги бошқарма ва бўлимлари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамкорликда фермер хўжаликлари билан инфратузилма субъектлари ўртасида кооперация муносабатларини ривожлантириш бўйича ташкилий,

---

<sup>111</sup> Ўзбекистонда агрологистика марказлари сони 140 тага етказилади. ҳозирда уларнинг сони 31 та.

<https://kun.uz/news/2019/07/04/ozbekistonda-agrologistika-markazlari-soni-140taga-yetkaziladi-hozirda-ularning-soni-31ta>.

иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуаси соҳаларида кооперация муносабатларини ривожлантириш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги омилларни эътибор олиниши зарур:

- республикада кооперация муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган кооператив корхоналарини шакллантириш тизими ҳали бошланғич босқичда эканлиги;

- қишлоқ хўжалиги кооперацияси соҳасида ахборот-маслаҳат хизматлари тизимини ривожланмаганлиги;

- қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил қилиш ва барқарор ривожлантириш салоҳиятига эга лаёқатли, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

- қишлоқ аҳолисида, айниқса унинг тадбиркорлар тоифасида кооперация муносабатлари тўғрисида билим даражасининг етарли эмаслиги;

- хўжалик субъектлари, юридик ва жисмоний шахсларни эркин бирлашиб, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга руҳий (психологик) жиҳатдан тайёр эмаслиги, хўжаликни ҳамкорликда иқтисодий бошқариш кўникмаларининг етишмаслиги;

- кооператив корхоналарни ташкил этишда агрофирма, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий тадбиркорлар ва воситачиларни қарши таъсири ҳамда рақобатнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Тадқиқот натижалари ва ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма субъектлари фаолиятини кооперация асосида ривожлантиришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги билан инфратузилма субъектларини кооперация муносабатларига асосланган ҳолда ривожлантиришнинг **ташкилий механизми** қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- фермер хўжаликлари ва инфратузилма субъектларининг раҳбарлари, ишчи-мутахассислари ўртасида кооперация муносабатларининг мазмун-моҳияти, фаолияти, самарадорлиги ва истиқболи тўғрисида ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бориш;

- хўжалик субъектларини ихтиёрийлик-кўнгиллилик асосида бирлашишлари ва бу жараёнда томонларнинг ўзаро манфаатларини белгилаш;

- хўжалик субъектларининг Низоми ва ички хўжалик юритиш ҳужжатларига кооперация муносабатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ҳамда тўлдиришлар киритиш;

- кооперация муносабатларида хўжалик субъектларининг бошқарув тизими ва мувофиқлаштириш механизмларини белгилаш;

- пировард натижа – ички ва ташқи истеъмолчилар учун сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда томонларнинг вазифалари ва жавобгарликларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикасида кооперация муносабатларини ривожлантириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ва қонуности ҳужжатлари: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, биринчи ва иккинчи қисм (1996 й.)<sup>112</sup>; Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 й.)<sup>113</sup>; Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2007 й.)<sup>114</sup>; “Кооперация тўғрисида”ги қонуни (1991 й.)<sup>115</sup>; “Тадбиркорлик фаолияти

---

<sup>112</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, биринчи ва иккинчи қисм. <http://lex.uz/docs/111189>, <http://lex.uz/docs/180552>

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. <http://lex.uz/docs/152653>

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. <http://lex.uz/docs/1286558>

<sup>115</sup> Ўзбекистон Республикасининг Кооперация тўғрисидаги қонуни. <http://lex.uz/docs/139240>

эркинликлари кафолати тўғрисида”ги қонуни (2000 й.)<sup>116</sup>; “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонуни (1998 й.)<sup>117</sup>; “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни (1998 й.)<sup>118</sup>; “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни (2004 й, янги таҳрирда)<sup>119</sup>; “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни (1993 й.)<sup>120</sup>; «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони<sup>121</sup> қабул қилинган бўлиб, кооперация муносабатлари ушбу ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Юқорида таъкидланган Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси, “Кооперация тўғрисида”ги қонунлар ва қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кооперацияга асосланган кооператив корхоналарни кўпроқ иқтисодиётнинг саноат соҳаларига, бизнингча, 2000 йилларгача бўлган даврдаги ислохотларга мос равишда баён қилинган. Амалдаги қонунчиликда қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатлари асосланган кооператив корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий шароитларни таъминлайдиган нормалар белгилаб қўйилмаган.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тубдан такомиллаштириш, стратегик

---

<sup>116</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида. <http://lex.uz/docs/31846>

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида. <http://lex.uz/docs/30236>

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Дехқон хўжалиги тўғрисида. <http://lex.uz/docs/31613>

<sup>119</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (2004 йил, янги таҳрирда). <http://lex.uz/docs/275195>

<sup>120</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. <http://lex.uz/docs/12328>

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/3107036>



жиҳатдан истиқболли қонун ҳужжатларини қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш масаласи бўйича тадқиқот объектларида респондентларнинг фикр-мулоҳазалари, олимлар ва малакали мутахассисларнинг таклифларини ҳисобга олиб, амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш билан мутаносиб равишда **ҳуқуқий механизмлари** ташкил қиладиган қўйидаги тадбирларни ишлаб чиқиши тавсия қилинади:

- хўжалиги кооперациясига асосланган кооперативларни ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилиши бўйича муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонун ҳамда қонун ости ҳужжатларни қишлоқ ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- кооперация муносабатларидаги хўжалик субъектларида аъзоларни ишга қабул қилиш, томонларнинг мажбурияти, вазифалари ва масъулияти, пай бадалларини белгилаш ҳамда бошқа шу каби механизмларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таъминот, иш бажаришга ихтисослашган инфратузилма субъектлари ўртасида шартномавий муносабатлар, ички тартиб, қўлланма, низом ва уставларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг **иқтисодий механизмлари** қуйидаги йўналишлардан иборат:

- хўжалик субъектларининг аъзолари - юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, биринчи бадал маблағи, йиллик даромад ва дивидентларни ҳисоблаш, мукофотлар ва қўшимча моддий рағбатлантириш механизмларини барча аъзолар учун очиқ, ошқора ва тенг манфаатларда бўлишини таъминлаш;